

“Агробанк” АТБ
Кенгаши йиғилишининг
2016 йил “ 1 ” июндаги
9/1 - сонли қарори билан
“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Агробанк” АТБ
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил “ 24 ” июндаги
33 - сонли баёни билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг
Дивиденд сиёсати

Тошкент-2016

- 1-§. Умумий қоидалар**
- 2-§. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби**
- 3-§. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби**
- 4-§. Эълон қилинган дивидендлар бўйича жавобгарлик**
- 5-§. Ахборотларни ошкор қилиш тартиби**
- 6-§. Яқуний қоидалар**

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг дивиденд сиёсати “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом ҳамда “Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси”нинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”га асосан, шунингдек банк Устави ҳамда қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Агробанк тизими бўйича дивидендларни шакллантириш, тақсимлаш ва тўлаш тартиботини белгилаб беради.

1-§. Умумий қоидалар

1. Дивиденд сиёсатининг мақсади банк акциядорларининг моддий фаровонлигини яхшилаш ва капиталлашув даражасини ўсишини таъминлашга ҳамда ахборотлардан хабардор этишдан иборат. Бунда, банк акцияларнинг котировкасини (бозор баҳоси) сақлаб туриш учун олинган фойдани капитализация қилиш ва тўлаш юзасидан мақбул қарор қабул қилиш тақазо этилади.

2. Банк Кенгаши дивиденд сиёсати асосида акциялар бўйича дивиденд миқдорини белгилаш ва тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланади.

3. Қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатларда, банк устави ва мазкур Сиёсат асосида дивиденд тўлаш масалаларида ноаниқлик ҳолатлари вужудга келганда акциядор ва инвесторлар манфатлари ҳимоя қилинган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

4. Дивиденд сиёсати 5 йил муддатга (2021 йил якуни бўйича қарор қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда) ишлаб чиқилган. Ушбу даврда олинган соф фойдани банк Кенгашининг тавсиясига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан тақсимланади.

5. Дивиденд сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

шаффофлик тамойили, бунда дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш шартлари ва тартиби, дивиденд сиёсатини амалга оширида иштирок этувчи томонларнинг масъулияти ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва ошкор этиш тушунилади; (*Қаранг Кодекс 20.3-моддаси*)

мавридийлик (муддатлилик) тамойили, бунда дивидендлар тўловини амалга оширишда муайян муддатини белгилаш тушунилади;

асосланганлик тамойили, бунда банкнинг мавжуд молиявий ҳолати ва бизнес-режасини ҳисобга олган ҳолда, фақат ижобий молиявий натижаларга эришган тақдирда дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилиши тушунилади;

адолат тамойили, бунда дивиденд миқдори ва тўлов тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарор ҳақида маълумотларни олишда акциядорларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш тушунилади;

мантиқийлик тамойили, дивиденд сиёсатининг тамойиллари ва тартибининг қатъий ижроси тушунилади;

ривожланиш тамойили, банкнинг стратегик мақсадлари ўзгариши натижасида корпоратив бошқарув тартибларини яхшилаш билан боғлиқ низомларини ва дивиденд сиёсатини мунтазам равишда такомиллаштириш тушунилади;

барқарорлик тамойили, банкнинг дивиденд тўловлари даражасини барқарорлигини таъминлашга интилиши тушунилади.

6. Жойлаштирилган акцияларга дивиденд тўлаш (эълон қилиш) бўйича қарор қабул қилиш банк ҳуқуқи ҳисобланади.

7. Акциядорлар умумий йиғилиши дивиденд тўлаш (эълон қилиш) ёки тўламаслик бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

8. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш банк мажбурияти ҳисобланади. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш жараёнида вужудга келадиган операцион харажатлар (канцелярия, ходимларнинг иш ҳақи, банк хизматлари ва шу кабилар) банк ҳисобидан амалга оширилади. Акциядор айби билан ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ҳолатлар бундан мустасно.

9. Банк акциядор олдида эълон қилинган дивидендларни (солиқ ва мажбурий тўловлардан ташқари) тўлиқ миқдорда тўланиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

2-§. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблаш тартиби

10. Банк Кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишига акцияларнинг турлари бўйича дивиденд миқдорини, тўлаш тартиби ва шакли юзасидан

таклиф (тавсия) киритади. Дивидендларнинг миқдори банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

11. Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан шаклланади.

12. Банк Кенгашининг дивиденд тўлаш бўйича тавсияси қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади:

- аудиторлик компанияси томонидан молиявий ҳисоботлардаги соф фойда кўрсаткичи ишончилиги ҳақидаги хулосаси асосида;
- банкнинг ривожланиш стратегиясидаги ҳолати;
- банкнинг капиталлашув даражаси.

13. Акциядорлар умумий йиғилиши дивиденд тўлаш (эълон қилиш) бўйича қарор қабул қилади ва қарорда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

- дивиденд тўланадиган (эълон қилинган) акцияларнинг турлари;
- битта акцияга тўғри келадиган дивиденд миқдори (сўмда ва/ёки фоизда);
- дивидендларни тўлаш тартиби ва муддати.

14. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

15. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

16. Агар дивиденд тўлаш (эълон қилиш) оқибатида банкнинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашиши ва тўлаш учун қўшимча маблағ жалб этишни тақазо этадиган бўлса дивиденд тўлаш тақиқланади.

17. Банк қуйидаги ҳолатларда дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- банкнинг агар дивидендлар тўланадиган даврида жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида бўлса;

- агар банк соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса.

- Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бузиш, шунингдек агар дивидендлар тўлаш натижасида иқтисодий нормативлар бузилиб, бунинг оқибатида омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига жиддий хавф туғилиши мумкин бўлса;

- банкка нисбатан Марказий банкнинг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса;

18. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқ тўловларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

19. Дивидендлар солиқ тўловлари амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади, бунда солиқ тўлови бўйича турли имтиёзлар белгиланган бўлиши мумкин.

3-§. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби

20. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

21. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

22. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

23. Банкнинг норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

24. Дивидендларни тўлаш муддати қарор қабул қилинган кундан бошлаб олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

25. Акциядор томонидан дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилинган даврда дивидендларни олиш имкониятлари бўлмаган тақдирда, банк дивиденд тўлашни давом эттиради. Бунда, талаб қилиб олинмаган дивидендлар бўйича тўловлар уч йилдан ошмаслиги лозим.

26. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

27. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобладиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

28. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

29. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестицион воситачи ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун Марказий депозитарий ва акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестицион воситачи жавобгар бўлмайди.

30. Банкнинг имтиёзли акциялари эгалари ҳисобот молия йили якуни бўйича банк фойда кўриши ёки кўрмаслигидан қатъий назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқига эгадирлар. Банк етарли миқдорда фойдага эга

бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган заҳира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

4-§. Эълон қилинган дивидендлар бўйича жавобгарлик

31.Банк акцияларнинг турлари бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

32.Дивидендларни тўлаш даврида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

33.Банк томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларини олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

34.Банк Бошқаруви акциядорлар олдида ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда дивиденд тўловларини амалга ошириш бўйича жавобгар ҳисобланади. Бунда банк белгиланган муддатда миноритар акциядорларга дивиденд тўловини ўз вақтида таъминламаган тақдирда, йирик акциядорларга дивиденд тўлашга ҳақли эмас.

35.Банк Кенгаши зарурият юзасидан банк Бошқаруви томонидан акциядорларга дивидендларни ўз вақтида тўланиши масаласини муҳокама қилиш ва аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли интизомий чораларни қўллаш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

36.Банк томонидан ўз вақтида дивиденд тўловлари амалга оширилмаган тақдирда акциядор ўзига тегишли бўлган дивидендларни Судга ариза бериш тартибда ундириш ҳуқуқига эга.

5-§. Ахборотларни ошкор қилиш тартиби

37.Банк томонидан тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг www.agrobank.uz расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

38.Акциядорлар умумий йиғилиши қарори Банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва ошкор қилиш тартибига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор қилади.

39.Тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қилади. (Қаранг Кодекс 12.5 модда.)

40.Акциядор ўз акциялари бўйича унга ҳисобланган дивиденд миқдори, ҳисоб–китоби ва солиқ тўловлари юзасидан банкка расман мурожаат этишга ҳақли.

6-§. Яқуний қоидалар

41.Банкнинг дивиденд сиёсатиға Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгартиришларға асосан, банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ички аудит департаменти ва банк Бошқаруви таклифига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

42.Ушбу сиёсатларда назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

43.Қимматли қоғозлар бошқармаси акциядорлар реестрига асосан дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тақдим қилади.

44.Дивидендларни банк филиаллари бўйича тақсимлаш ва тўловини амалга ошириш Молия бошқармаси томонидан амалга оширилади.

44.Акциядорларға ҳисобланган дивидендларнинг тўлови бўйича бухгалтерия ўтказмалари Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти томонидан амалга оширилади.

45.Марказий аппаратнинг Ички аудит департаменти ва Ички назорат бошқармаси томонидан акциядорларға белгиланган муддатда ҳисобланган ва тўланган дивидендлар тўлови бўйича назоратни амалга оширилади.

46.Банк Бошқарувининг 2015 йил 27 февралдаги 5/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Банкнинг эмиссия, инвестиция ва дивидент сиёсати” ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.